ISSN 2091–5616

AGRO ILM

3 [66] - SON, 2020



брак кўрсаткичлари паст бўлган тухум қўймалари браковка қилинди.

Тут ипак қуртининг бир қатор янги жинси нишонланган ва оддий селекцион тизимлари яратилган. Бу тизимларни яратишда синтетик селекция ва аналитик селекция услубиятлари қўлланилиб, асосан, танлаш технологик кўрсаткичларга қаратилган. Шунинг учун янги тизимлар турли вазндаги пилла ўраш қобилияти билан бирга ингичка ва юқори ипакчанлик кўрсаткичларга эга. Янги дурагай комбинацияларини яратишдан олдин 2019 йилги тажрибаларда "Линия-5 меч", "Линия-11 меч", "Линия-32 меч", "Линия-100", "Линия-101", "Линия-102", "Линия-103", "Линия-66" тизимларининг биологик ва технологик белгилари аниқланди.

Тажриба ишлари энг аввал тизимларнинг репродуктив, яъни пуштдорлик кўрсаткичларини аниқлашдан бошланди. 2018 йилда тайёрланган тизимларнинг жами 392 та тухум қўймалари таҳлил қилинди ва ҳар бир тизимнинг тухум қўймасидаги тухумлар сони, қўймадаги тухумлар вазни ва бир дона тухумнинг вазни аниқланди (1-жадвал).

1-жадвалдаги рақамлар таҳлили шуни кўрсатдики, "Линия-103" тизимидан бошқа барча тажриба тизимлари ўрта пиллали зотлар даражасидаги пуштдорликка эга. Жинси нишонланган тизимлар ичида "Линия-5 меч, (577 дона, 374 мг), "Линия-32 меч" (556 дона, 319 мг) ва "Линия-6 меч" (542 дона, 340 мг) тизимлари энг юқори репродуктив кўрсаткичларга эга. Оддий тизимлардан эса "Линия-101" (659 дона, 400 мг) ва "Линия-66" (554 дона, 335 мг) тизимларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Қўймадаги тухумлар сонининг ўзгарувчанлиги ҳам тизимлар бўйича турли даражада намоён бўлди. "Линия-11 меч" (C_v=26,0 %), "Линия-103" (C_v=26,6%) ва "Линия-100" (C_v=63,8%) тизимлари ушбу белги бўйича кенг ўзгарувчанликка эга бўлиб, уларнинг пуштдорлиги ҳали бир хил даражага етмаган. Барча тизимлар бўйича тухум қўймасидаги тухумлар вазни ҳам сезиларли даражада ўзгарувчанликка эга (C_v=10,00-31,0%).

Дурагай комбинацияларининг 2019 йилги маълумотлари кутилганидек, тўлиқ оналик зотнинг кўрсаткичларига мос ва дурагайлаш жараёнида мазкур зотларнинг репродуктив хусусиятларини эътиборга олиш тавсия этилади.

Янги тизимларнинг репродуктив кўрсаткичлари таҳлили асосида худди 2018 йилги ҳолатга ўхшаш, "Линия-103" тизимидан ташқари барча тизимлардан дурагайлаш ишида тўлиқ фойдаланса бўлади, деб хулоса қилиш мумкин.

Бахтияр НАСИРИЛЛАЕВ,
к.ф.д., профессор,
Мансурбек ЖУМАНЁЗОВ,
қ.х.б.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Сафарали ХУДЖАМАТОВ,
қ.х.б.ф.д., катта илмий ходим,
Ипакчилик илмий-тадқиқот институти.,
Мамура ХАЛИЛОВА,
таянч докторант, ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Насириллаев У.Н. Генетические основы отбора тутового шелкопряда // Фан. – Ташкент, 1985. – С. 20-35.
2. Гуламова Л.М. Проблема искусственной регуляции пола и ее использование в практике шелководства. // Сб. трудов САНИИШ. – Ташкент, 1987. – В.21. – С. 14-21.
3. Леженко С.С., Насириллаев Б.У. Выведение пород тутового шелкопряда, сочетающих в генотипе свойства меченности по полу и завивке крупных и высокошелконосных коконов. // Узбекский биологический журнал. – Ташкент, 2011. №5. С. 19-22.
4. Насириллаев Б.У. Новая транслокация №12 фрагмента Х-аутосомы с геном +w2 на W-хромосому у тутового шелкопряда. // Узбекский биологический журнал. – Ташкент, 2011. №4. С. 52-55.

УЎТ: 677.025.001.76.

ЧЎЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

The issues of sustainable development of desert-pasture livestock breeding are studied on the basis of the introduction of a cluster management form that covers from production to marketing of finished products as well as the training of highly qualified personnel for research work for all areas of this subcomplex.

Изучены вопросы устойчивого развития пустынно-пастбищного животноводства на основе внедрения кластерного формы управления которую охватывает от производства до сбыт готовой продукции а также подготовки высококвалифицированных кадров научно-исследовательских работ для всех сфер данного подкомплекса.

Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, қоракўл қўйларининг озуқага бўлган талаби яйлов ҳисобидан камида 85 фоиз таъминланиши ўрнига атиги 50-55 фоизга қондирилиши бир бош қўйга озуқа учунўртача 21-22 минг сўм ортиқча харажат қилинишини, ишлаб чиқариш фондларининг 60-65 фоизга эскирганлигиона қўйларнинг атиги 30 фоизигина сунъий уруғлантирилаётганлигини билдиради.Булар эса, тармоқнинг барқарор ривожланишга имконият бермаяпти. Шунингдек,зооветеринария пункти – чорва моллари жойлашган ҳудуд майдонининг катта-кичиклигига қараб 8,0-12,0 минг бош шартли қўйлар ўрнига 48,4 минг бош ёки 4-6 баробар кўп шартли қўйларга хизмат кўрсатмоқда. Республикада бир бош шартли қўйга кўрсатилган зооветеринария сервис хизмати 15,0 минг сўм ўрнига атиги 80,0 сўмни ташкил қилган.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини қайта ишлаш қувватлари етишмаётганлиги, қўй сути, мол териси ва жун каби маҳсулотлардан деярли фойдаланилмаётганлиги ва маҳсулотлар чуқур қайта ишланмасдан, катта қисми хомашё сифатида сотилаётганлиги чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақобатбардошлигининг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Навоий вилоятида гўштни қайта ишлаш 18-20 фоиздан, жунни 21-21, мол те-

рилари 30 фоиздан ошмаяпти. Қоракўл тери қайта ишлаш ошлаш, жунни эса ювиш билан якунланмоқда, холос. Улардан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш деярли йўлга қўйилмаган. Натижада, жуннинг товарлик даражаси 66,9 фоизни, қоракўл тери 34,7 ва мол терилари 9,9 фоизни ташкил қилган, холос, ва ишлаб чиқилган 2783,7 ц жун, 3649 дона қоракўл тери ва 15775 дона мол терилари ўз харидорларини топмаган.

Демак, чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари барқарор ривожланишини чегаралаб қўяётган омиллардан яна бири етиштирилган маҳсулотларни сотиш муаммосидир. Ички бозорда ҳам ташқи бозорда ҳам хомашё эмас, балки чуқур қайта ишланган маҳсулотларга кучли талаб мавжудлигини олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, Бухоро, Тўрткўл, Нурота шаҳарларида ва айрим хўжаликларда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларидан турли хилдаги буюмлар тайёрлаб ички ва ташқи бозорларда сотишдан 4-5 баробар кўпроқ даромад олишмоқда. Қўшни Қозоғистон Республикасида ҳам жунни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилганига қадар харидор топилгандагина 1 килограмм дағал жун 5 тенгедан сотилган. Ҳозирда эса 1 кг. дағал жунни сотиш нархи 18 тенгегача кўтарилган.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, қоракўл теридан тайёр маҳсулот тайёрлаш учун сарфланган харажатларнинг 62,4 фоизи уни ишлаб чиқариш, 37,6 фоизи қайта ишлашга сарфланган. Аммо, қоракўл терини қайта ишлашга 37,6 фоиз харажат қилган ҳолда, тайёр маҳсулот ишлаб чиқувчи 86,7 фоиз фойдани ўзлаштирмоқда, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи эса атиги 13,3 фоиз фойдага эгалик қилмоқда. Гўштни қайта ишлаш учун уни ишлаб чиқувчи 73,2 фоиз харажат сарфлагани ҳолда фойданинг фақатгина 11,2 фоизини, қайта ишловчи эса 26,8 фоиз харажат сарфлаб фойданинг 88,8 фоизни олган. Жунни қайта ишловчи олинган фойданинг 86,9 фоизини ўзлаштирган ҳолда 13,3 фоиз ишлаб чиқариш харажатларини сарфлаган, холос. Демак, қайта ишловчи корхоналар мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида, энг муҳим монопол мавқедан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг 70-75 фоиз даромадларини асоссиз ўзлаштириб олишмоқда. Иқтисодий адолатсизликка барҳам бериш мақсадида товарни сотишдан олинадиган фойда хўжалик юритувчи субъектларнинг тайёр маҳсулотни тайёрлаш ва сотиш учун қўшган ҳиссасига мос равишда тақсимланишига эришиш лозим.

Таъкидланганлар билан биргаликда чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси учун махсус малакали кадрлар тайёрлаш тизими шаклланмаганлиги, илмий тадқиқот ва наслчилик ишларининг қониқарсизлиги, маркетинг(сотиш) хизмати ташкил этилмаганлиги каби йирик муаммоларни ўзаро ташкилий-иқтисодий боғлиқ, хусусан, ишлаб чиқиш ва бозор хизматларини кўрсатувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хомашёни қайта ишловчи, тайёр маҳсулотларни сотувчи, илмий ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатувчи муассасалар, корхоналар, хўжаликлар фаолиятларини бир технологик тизимга бирлаштирувчи кластер бошқарув технологиясини жорий этиш орқали ечиш мумкин.

Бунинг учун чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, дунё стандартлари даражасидаги замонавий талабларга мос зооинженер-қоракўлчи, ветеринар, инженер-технологик, инженер-техник мутахассислар билан биргаликда ўрта махсус мутахассисларни етиштириш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича барқарор тизим яратилиши лозими.

Иқтисодиётда кластер, бу – нафақат рақобат,балки мавжуд муаммоларнинг ечимига жамоавий ёндашган ҳолда мавжуд хомашё, энергия ва меҳнат захираларидан самарали фойдаланиб, фаол билимлар алмашинувига асосланган турғун ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ўзаро ишончли ҳамкорликда бир технологик тизимга бирлашган ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари гуруҳи шаклланиши,демакдир.

Бухоро вилоятида "Komteks pposy" МЧЖ шаклида ташкил этилаётган, маҳаллий ҳокимлик томонидан бошқарилувчи қўй жунини саноат усули асосида қайта ишлайдиган кластерга киритилаётган сармоя асосан мавжуд йигириш, тўқув ва тикув-трикотаж қувватларини жойида йириклаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилади. Бу мажмуа ички ва ташқи бозорга йилига 1,5 млн. дона тайёр маҳсулот, 2,5 минг тонна калава ип, қарийб 4 млн. Погоно-метр тўқима маҳсулотлари етказиб бериш имконини яратади. Аммо, қоракўл қўйларидан жун билан биргаликда, унинг асосий маҳсулоти бўлган ноёб қоракўл тери, гўшт, қўй терилари,сут ва бошқа маҳсулотлар ҳам олинади.

Алоҳида маҳсулот тури бўйича эмас, балки чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуасининг бутунича битта кластерга қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Бунга сабаб биринчидан, қоракўл тери, жун, гўшт, сут ва қўй терилари қоракўл қўйларидан олиниши билан биргаликда, эчкичилик, қорамолчилик, туячилик, йилқичилик, паррандачик каби соҳалардан ҳам маҳсулотлар олинади, иккинчидан, фақат бир маҳсулот тури бўйича кластер ташкил этиш эса, бошқа маҳсулот турларининг чуқур қайта ишланиб, тайёр товар маҳсулотга айланишини таъминламайди, учинчидан, кластер ташкил этилган маҳсулот турига иқтисодий ресурсларнинг асосий қисми йўналтирилиши оқибатида ишлаб чиқариш технологиясининг муқаррар бузилишига олиб келади. Кластерни бошқариш юқори малакали мутахассислардан шакллантирилган махсус мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бу кенгаш кластер ҳудудида тайёрланадиган ҳар бир тайёр маҳсулот тури бўйича гуруҳлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Кенгаш "Чўл-яйлов чорвачилиги кластери"нинг истиқболда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг амалда бажарилишини мувофиқлаштириш вазифасини бажаради.

Кластер қамраб олган ҳудудда юқори самарадор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, илмий-амалий муаммолар ечимлари тегишли илмий-тадқиқот муассасалари, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш олий ва ўрта махсус таълим муассасалари биланҳамкорликда амалга оширилиши ташкил этилади. Чўл-яйлов ўсимликлари уруғларини етиштирувчи ва инновацион технологияларни қўллаш асосида яйловлар ҳосилдорлигини (2,5-3,0 ц/га ўрнига) 20-25 ц/га кўтарилишини таъминлаш ҳамда сув таъминоти тизимини шакллантирувчи, озуқа тайёрловчи, уни қайта ишловчи, зооветеринария хизматларини амалга оширувчи, қўйлар жунини қирқувчи, қўзиларни қоракўл тери учун сўювчи, гўштни, жунни, қоракўл терини, мол териларини, қўй ва бошқа моллар сутини қайта ишловчи ва тайёр товар маҳсулотлари тайёрловчи ҳамда уларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналарни барпо этишни тақозо қилади. Натижада минглаб янги иш ўринлари яратилади, олинаётган даромад эса 4-5 баробарга кўпаяди, яъни ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун имкониятлар вужудга келиши билан биргаликда чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақобатбардошлиги кучайишини таъминлайди.

Бошқаришнинг кластер технологиясини жорий этиш юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар тайёрланишини таъминлаши ўз навбатида мажмуанинг барча бўғинларини ақлли машиналар тизими ёрдамида бошқариш, ишлаб чиқариш харажатларини кескин қисқартирадиган сувдан ўта арзон (1 л. сувдан олинган энергия билан автомашина 1400 км масофани босиб ўтган ёки 1 сўм харажатга 300 сўм даромад олиш мумкин) энергия олиш, биогаз ишлаб чиқариш ва шунга ўхшаш бошқа инновацион технологияларни харид қилиш ва жорий қилиш имкониятини яратади. Натижада, олинадиган фойдани яна бир неча баробарга оширади ва мажмуа рақобатбардошлигини янада мустаҳкамлайди.

Хулоса. Чўл-яйлов чорвачилигининг барқарор ривожланишини таъминловчи кластер бошқарув технологиясини жорий этиш мақсадга мувофиқ, яъни:

– алоҳида маҳсулот тури бўйича эмас, балки чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуасининг битта кластерига қамраб олинишни;

– кластерни бошқариш юқори малакали мутахассислардан шакллантирилган махсус мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилишни;

– олинган фойда кластер таркибига кирувчи корхоналарнинг тайёр маҳсулотга қўшган ҳиссасига мос равишда тақсимлашни тавсия қиламиз.

Абдухолик ТАНГИРОВ,
и.ф.н., доцент,
Шерзод НУРМАНОВ,
ассистент,
СамВМИ

АДАБИЁТЛАР:

1. Каюмов Ф.К. и др. Каракулеводческий подкомплекс и его роль в формировании конъюнктуры рынка. Т ‹›Узинформагропром". 1993 г.

2. Ибрагимов Ю. Канада чорвачилиги: бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Зооветеринария, Ж. №2, 2012. 38-43-б.

3. ТангировА.Э. ва бошқалар. Чўл-яйлов чорвачилиги бошқарувини такомиллаштириш. "Агроилм", Ж. 2-3(34-35) сон, 2015. 41-42-б.

УЎТ: 636. 082.134.636.3.37.

ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН СУТ ЙЎНАЛИШИДАГИ АЛП ВА ТОГГЕНБУРГ ЭЧКИЛАРИНИ ҚОЧИРИШ, СУТ БЕРИШ ДАВРЛАРИДА ОЗИҚЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

The article sets out the basics of industrial feeding of dairy goats in the context of periods using fodder grown on the farm in the effective use of breeding from purebred Toggenburg and Alp breeds of a dairy direction brought from abroad.

В статье изложено основы кормления промышленным способом молочных коз в разрезе периодов используя корм выращенных в хозяйстве в эффективном использовании селекционных работах из чистопородных тоггенбургских и алпских пород молочного направления привезённых из-за рубежа.

Сирдарё вилоятининг, Сирдарё туманидаги «INZIMTEX» масъулияти чекланган эчкичилик-наслчилик жамияти Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида хориждан импорт қилинган сутдор эчкилар сут маҳсулдорлигини юзага чиқаришда эчкиларни қочириш, туққандан сўнг ийдириш ва лактация давомида сут миқдорини оширишга қаратилган озиқлантириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилди.

Тадқиқот эчкилари сентябрь ойининг 3-декадасидан бошлаб октябрь ойлари охиригача наслли такалар билан эркин усулда қочирилди, 40-50 бош урғочи эчкига бир бош наслли така сараланди. Табиий усулда қочирилган эчкилар бўғозлигининг 120 кунлигига қадар озиқлантириш даври бўйича рацион белгиланди.

Бунда, сутдор эчкиларни озиқлантириш турига кўра, рациондаги озуқа бирлигига нисбатан фоиздаги ифодаси қуйидагини, яъни дағал озуқалар 19,21%, ширали озуқалар 50,7%, омухта емлар 30,09% ни ташкил қилиб, жами 161,98 кг озуқа бирлигини, 275,38 кг қуруқ модда, алмашинувчи энергия 27538 Мж, ҳамда 18,51 кг ҳазмланувчи протеин сарфланади ёки ўртача кунлик озуқа бирлиги 1,35 кг озуқа бирлиги, 2,30 кг қуруқ модда, 229,5 Мж алмашинувчи энергия, 154,2 г ҳазмланувчи протеин ташкил этиб, 1 озуқа бирлиги, ўртача 114 г ҳазмланувчи протеин тўғри келди.

Сутдор эчкилар бўғозлик даврининг охирги 30 кунида ҳомила жадал ривожланади. Бу даврда бўғоз эчкиларни асраш ва озиқлантириш шароитидан келиб чиқиб, ўртача ҳар бир бош эчкига 1,51 озуқа бирлиги сарфланиши белгиланди (2-жадвал). Бу даврдаги она эчкилар рационида озуқа бирлигига нисбатан дағал озуқалар 18.0%, ширали озуқалар 54,42%, омухта емлар 28,05 фоизни ёки умумий ҳисобда 30 кун давомида жами 45.20 кг озуқа бирлиги, рациондаги қуруқ модда 30 кун давомида 77.19 кг, алмашинувчи энергия 7719 Мж. ни, ҳазмланувчи протеин эса 5,403 кг. ни ташкил этди. Она эчкиларнинг биттасига ўртача кунлик 2,71 кг қуруқ модда, 271 Мж алмашинувчи энергия, 188.9 г ҳазмланувчи протеин тўғри келиб, 1 озуқа бирлиги, ўртача 124 г ҳазмланувчи протеин тўғри келди.

Саноат усулида сутдор эчкиларнинг янги туққан даврида сут ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида 60 кун мобайнида она эчкиларнинг сут маҳсулдорлигини оширида ийдириш усули қўлланилиб (3-жадвал), соғин эчкиларни 60 кун давомида ийдириш даври рационида дағал озуқалар 18,62%, ширали озуқалар 38,75%, омухта ем миқдори кўпайтирилиб, 42,62%га оширилди.